

### **Президент мактаблари қабулига оид қарор қабул қилиш жараёни**

Ушбу ҳужжатда Президент мактабларига қўйиладиган талаблар ва қабул қилиш тартиби баён этилган.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2019-йил 1-июндан бошланиб, онлайн қабул қилиш сўнги санаси 21-июн ва оффлайн қабул қилиш санаси 22-июн қилиб белгиланган. 22-июн куни ярим кечадан кейин ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилади ва ҳеч қандай шароитда ҳужжат қабул қилинмайди.

### **Мақбуллик**

Президент мактаблари саралаш имтиҳонида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун номзодлар жорий ўқув йилида қуйидаги фанларнинг ҳар биридан 5 (аъло) баҳога эга бўлиши лозим:

4-синф: Математика ва Табиатшунослик

5-синф: Математика, Информатика ва Ботаника.

6-синф: Математика, Информатика, Физика ва Биология.

7, 8 ва 9-синфлар: Алгебра, Геометрия, Информатика, Физика, Кимё ва Биология

### **Саралаш имтиҳони**

Агар ҳар бир ҳудудда синф кесимида ариза топширувчи талабгорларнинг сони бир ўринга 20 дан ошиб кетса, математика фанидан дастлабки саралаш тести ўтказилиши керак бўлади.

Математика фанидан тест ҳар бир синф кесимига алоҳида тайёрланган бўлиб, 30 масаладан иборат.

Масалалар мураккаблик даражасига қараб уч турга бўлинади.

- 1) 1-10 гача осон саволлар (А тоифа)
- 2) 11-20 гача ўртача саволлар (Б тоифа)
- 3) 21-30 гача қийин саволлар (С тоифа)

Ҳар бир тўғри жавоб учун қуйидагича балл берилади:

А тоифа = 2. 1 балл

Б тоифа = 3. 2 балл

С тоифа = 4. 3 балл

Саралаш имтиҳони натижасига кўра қабул квотасида белгиланган ҳар бир ўринга 20 киши ҳисобидан максимал балл тўплаган талабгорлар асосий имтиҳонга йўлланма олишади.

Тенг натижалар юзага келган ҳолларда, яъни бир нечта номзод бир хил умумий балл тўплаган вазиятда, афзаллик савол тоифаларининг ҳар бири бўйича энг юқори балл тўплаган номзодга қуйидаги устунлик тартибида берилади:

1. С тоифадаги саволлар бўйича балл
2. Б тоифадаги саволлар бўйича балл

Номзодлар барча тоифадаги саволлар бўйича бир хил умумий ва тенг балл тўплаган тақдирда, номзодларни туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ номзод афзал кўрилади. Агарда ҳануз ўхшашлик мавжуд бўлса, Cambridge Assessment уни бартараф қилиш учун мос усулни ишлаб чиқади.

Агар ҳар бир ҳудуд ва синфдан ариза топширувчи лойиқ талабгорларнинг сони 20 дан ошмаса, дастлабки танлов тести топширилмайди.

### **Президент мактабларига кириш имтиҳони**

Танлов мезонларига мос келадиган номзодлар, зарур ҳолларда олдиндан танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар Президент мактабларига кириш имтиҳонидан ўтишлари лозим. Бунга фикрлаш қобилияти ("Муаммони ечиш ва танқидий фикрлаш"), "Инглиз тилидан тест" (ўқиш ва тинглаш) киради. Ҳар бир савол бир баллга тенг бўлади.

Номзодлар ҳар бир фанлар кесимида қуйидагича баҳоланади:

<b>Синфлар</b>	<b>Инглиз тилидан тест</b>	<b>Муаммони ечиш ва танқидий фикрлаш</b>
5,6	20%	80%
7,8,9,10	40%	60%

Тенг натижалар юзага келган ҳолларда, яъни бир нечта номзод бир хил умумий балл тўплаган вазиятда ("Инглиз тилидан тест", "Муаммони ечиш ва танқидий фикрлаш тести" билан биргаликда), қуйидаги тартибда ҳар бир фан бўйича энг юқори балл тўплаган номзод танлаб олинади:

1. "Муаммони ечиш" таркиби бўйича балл,
2. "Танқидий фикрлаш" таркиби бўйича балл,
3. "Инглиз тилида ўқиш" таркиби бўйича балл,
4. "Инглиз тилида тинглаш" таркиби бўйича балл.
5. Туғилган санаси бўйича (ёшроқ номзод танланади)

Агарда ҳануз ўхшашлик мавжуд бўлса, Cambridge Assessment уни бартараф қилиш учун мос усулни ишлаб чиқади.

Агарда ўқишга кирган талабгор Президент мактабида ўқишни рад этса, ёки биринчи чорак давомида ўқишни тарк этса, рўйхатдаги энг юқори балл тўплаган лекин ўқишга кира олмаган номзод бўшаган ўринга таклиф қилинади.

Cambridge Assessment ушбу имтиҳондаги тизимнинг шаффофлик ва хавфсизлик жараёнини таъминлаган ҳолда, якуний қарорлар бўйича мурожаатлар ёки баллар бўйича апелляция талабларини қабул қилмайди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида номзодлар ҳужжатларни топширган вақтида ушбу тартиб билан танишганликларини имзо билан тасдиқлашлари талаб қилинган.